

Бадназарликда ҳаловат йўқ



17:30 / 15 январь 1732

Ашраф Али Таҳановий раҳматуллоҳи алайҳ шундай дейдилар: **«Бадназарлик ҳар қанча кўп қилинмасин, минглаб эркак ва аёлларга соатлаб тикилмасин, барибир қониқиш бўлмайди, нафси тўймайди. Бадназарлик шундай ташна қиладики, у ҳеч қачон босилмайди. Истисқо касалида бемор қорин ёрилиб кетадиган даражада сув ичса-да, чанқоғи кетмагани сингари, ҳаромга қарашга ўрганган кўз ҳам ҳеч қачон қонмайди. Аллоҳ таоло халқини бир-бирдан чиройли қилиб яратган. Инсон қанча кўп юзларга қараса, шунча кўп бошқасини кўришни истайди. Шаҳват дарёсида бутун умр оқаверади. Ҳеч қачон соҳилга ета олмайди. Шунинг учун ҳам имкон қадар ўзимизни бадназарлик каби қабиҳ феълдан сақлашга ҳаракат қилайлик. Аллоҳ ўзи мадад берсин. Омийн!»**

Муҳтарам ўқувчи! Кўрдикки, бадназарлик ниҳоятда ёмон феъл экан. Унинг сабабидан инсон Аллоҳнинг раҳматидан анча узоқ бўларкан. Ҳатто гоҳида бу қабиҳ феъл сабабидан иймондек улуғ давлатдан ҳам воз кечишга тўғри келаркан.

Ибн Қаййим раҳматуллоҳи алайҳ бир ҳикояни ёзганлар:

«Маҳбубасига етишишдан ноумид бўлган бир ошиқ ўлим талвасасида эди. Кимдир ўша аёлга бориб, **«унинг ўлими яқин, аҳволи оғир, унга раҳм**

қил, олдига бор, агар ҳозир етиб борсанг, унинг жони сақланиб қолади», деди. Гўзал ниманидир хотирлади ва туриб унинг уйига қараб жўнади. Ошиққа, сенинг маҳбубанг келяпти, дея хабар беришди. Буни эшитиб унга жон кирди ва туриб ўтириб олди. Лекин келаётган маҳбуба бир оз ҳаё қилди ва «**ким бадном бўлсин?**» дея ортга қайтиб кетди. Кимдир бориб, ошиққа буни ҳам айтди. Маъшуқасининг қайтиб кетганини эшитган ошиқ ўша заҳоти йиқилди ва жони узилиш ҳолатига келди. Унга калимангни айт дейишди. У эса калимаи тоййибани эмас, куфр калимасини айтди:

يَدَاوْفِ يَلِيَّ شَأْكَ اَضْر

لِيْلَجْلُ لِقَوْلِ اَلْمَحْرَمِ

.....

«Эй менинг маҳбубам! Улуғ Холиқнинг раҳматидан кўра, сенинг розилигингни кўпроқ истаيمان».

Шу байтни айтиб унинг жони чиқди. Қаранг, нақадар аянчли ҳолат. Бу мусибатнинг аслини изласангиз, барчаси бадназарлик сабабидан келиб чиққанини кўрасиз».

Бадназарлик ўта нопок феъл. Ундан сақланиш чораларини кўриш ҳар бир мусулмонга фарздир. Чунки у гуноҳи кабирадир. Чунончи, Куръони Карим, ҳадиси шариф ва умматнинг буюк уламоларининг сўзларида ундан сақланишнинг турли чоралари бор. Қайси банда бадназарликдан сақланиш учун чораларни ихтиёр қилса, иншааллоҳ, Аллоҳнинг ўзи у бандага истагини осон килади ва мадад беради.

«Бадназарлик ва зинодан сақланиш» китоби асосида тайёрланди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 июндаги 03-07/4033 рақамли хулосаси асосида тайёрланди.